

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

**“Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда
ўқитувчи мулоқотининг ўрни” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Бошланғич таълим ва
спорт тарбиявий иш” таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Зилола Абдуваҳоб қизи

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ўқитувчи Холов О.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси “_____” _____ 2014 йил

ТЕРМИЗ – 2014

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни.

Режа:

Кириш

I.Боб. Шахс маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришнинг назарий педагогик асослари.

I.1. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва камолотида эътиқод тарбиясининг ўрни.

I.2. Ўқитувчи мулоқотининг ўқувчи маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантиришдаги мавжуд имкониятлари.

II.Боб. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашнинг омил ва усуллари.

II.1. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ривожлантириш омиллари.

II.2. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш усуллари ва мулоқотда тарбиявий жараён тамойиллари.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси кишилиқ жамиятининг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Шу боисдан ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида касб танлаш мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёқат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликни, балки бўлғуси педагог кадрлар шахсий фаолиятида касбий маданиятни таркиб топтириш мутлақо зарур эканлиги таъкидланади. Республикамизда ўқитувчилик касбининг ўзига хос этнопсихологик фазилатлари, ҳислатлари, қобилиятлари иш услублари, педагогик маҳорат сирларини эгаллаш йўлари, шахслараро мулоқот маданияти юзасидан турли даврларда ҳар хил илмий изланишлар олиб борилган.

Мулоқот маданиятининг тарбияловчи имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатлари билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш лозим. Педагогик мулоқот маданиятининг ҳар жиҳатдан тўғри танланган, ўқитувчининг маънавий савияси, бетакрор хусусиятларига мувофиқ келувчи услуби қуйидаги вазифалар мажмуини ҳал қилишга ёрдам беради:

- биринчидан, мулоқотда ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор ва дилкашлиқ синф жамоаси билан умумий мулоқот жараёнини соддалаштиради, ўқитувчининг эркин педагогик фаолияти учун замин тайёрлайди, зиддиятли вазиятларни осон ҳал қилади;

- иккинчидан, ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатни эркин мулоқот асосида ташкил қилиш, уларнинг ёш хусусиятларига монанд педагогик ва психологик мулоқот услубларини танлаш, унинг руҳиятини билишга, ички дунёсига кириб боришга йўл очади;

- учинчидан, педагогик мулоқотда ўқитувчининг маънавий-ахлоқий

нормалари муваффақиятлар калити бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини оширади, мулоқотнинг барча босқичларида ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқиш ҳиссини ва хотиржамлигини таъминлайди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган мулоқот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчилар билан мулоқот қилиш маданиятининг индивидуал шахсий хусусиятларини ўрганиши:

- ўқувчилар шахсий хусусиятларини мустақил таҳлил қилиш;
- ўқувчилар ички имкониятларига ҳар томонлама тавсиф бериш;
- ўқитувчининг мулоқот маданиятини тўғри ташкил этиши.

2. Шахсий мулоқотда рўй берадиган камчиликларни дарҳол бартараф этиши:

- камчиликларга барҳам бериш чораларини дарҳол излаб топиш;
- ҳар қандай вазиятда ўқувчиларга қўполлик қилмаслик;
- ўқувчи шахсини менсимаслик каби салбий ҳолатларни бартараф этиш.

3. Ўқитувчи ўзи учун мулоқот маданиятининг энг қулай бўлган услубларини танлаб олиши:

- педагогик фаолиятига монанд мулоқот маданияти моделини ишлаб чиқиши;
- ўз-ўзини кузатиш билан мулоқотдаги ютуқ ва камчиликларини мунтазам таққослаб бориши;
- мулоқотда миллий маънавиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз имкониятларидан доимий фойдаланиш.

4. Мулоқот маданиятида педагогик фаолият қонуниятларидан четга чиқмаслик:

- ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларига мос мулоқот тизимини ишлаб чиқиши;

- мулоқотнинг тарбиявий таъсирини ва самарасини эътироф этиш;
- мулоқот маданияти асосида педагогик маҳоратни намойиш этиш.

Педагогик фаолиятни эндигина бошлаётган ёш ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини ошириш мақсадида ўқувчилар билан мулоқот маданиятини шакллантириш устида мунтазам иш олиб боришлари зарур.

Таълим-тарбиявий жараёни ташкил этишда педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бевосита ўзаро муносабатини муҳим бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтирувчи кучдир. Бу ўринда ўқитувчи қуйидаги вазиятларни эътиборга олишни алоҳида таъкидлаш лозим:

- ўқитувчининг илк тарбиявий фаолиятдан бошлаб мулоқот маданиятига риоя қилиши, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ҳар кунги муомалани вазиятга қараб режалаштириши, ҳар бир ҳаракат, сўз оҳангига эътибор, анъанавий мулоқотнинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириши;

- мулоқот асосида синф жамоасидаги турли вазиятларни қайд этиш, ўқувчилар хатти-ҳаракатининг олдинги ҳолати билан, тарбиявий фаолиятдан кейинги ҳолатини қиёслаб чиқиб баҳо бериш;

- ўз мулоқот услуби натижаларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, камчиликлами узлуксиз бартараф этиб бориш. Зарур сўз, овоздаги ёқимли оҳанг, ҳулқ-атворни вужудга келтириш;

- педагогик мулоқот маданиятининг самарали кечиши учун унинг шарт-шароитларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, ўқувчилар билан ўзаро муомаланинг “Устоз-шогирд” анъаналарига хос бошланиши ва ўзаро фикр алмашиш асосида муҳим вазифаларни ҳал қилиш билан муомала объектининг диққатини ўзига жалб қилиш;

- мулоқот объекти, яъни ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилиш деганда нимани англаш керак? Бунинг маъноси ўқитувчи ўзининг хушмуомалалиги, маданияти, гўзал хулқи, мулоқотда ўқувчилар қалбига йўл топа олиши билан ўз маҳоратини намойиш қилиб, мулоқот маданиятининг ташкилий

шаклларига ижтимоий-психологик негизни асос қилиб олишидир.

Кўрсатиб ўтилган вазиятлар асосида педагогик таъсир кўрсатиш учун, ўқитувчининг педагогик мулоқот маданиятига, этикаси ва одоб- ахлоқиға, дилкашлиғига, муошарат одобига алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу фазилатлар ўқитувчининг синф жамоасида, ота-оналар билан мулоқот қила билишида, ўқувчилар билан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда маънавий-ахлоқий тарбиявий фаолиятини ташкил этишида ва уларни бошқара олишида муваффақиятлар гаровидир. Шунингдек, баркамол авлод тарбиясида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътиборнинг қаратилаётганлигини назарда тутиб, биз битирув малакавий ишимизни **“Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни”** деб номладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни унинг самарали йўллари усул ва шакллари ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқоти.

Битирув малакавий ишнинг предмети: ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг мазмуни, шакл ва методлари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқоти долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;
- Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш;
- Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш борасидаги тажрибаларни ўрганиш;

- Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрнини йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва бошланғич синфларда ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлари юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг методлари: битирув малакавий ишимизда педагогик тадқиқотнинг педагогик таҳлил, қиёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, интервью, кузатиш, педагогик эксперимент каби усулларидан фойдаландик.

Битирув малакавий ишнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари; меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва маърузалари, асарлари, ўзбек халқ педагогикаси анъаналари, Педагогика фани концепцияси, педагогиканинг назарий асослари, педагогик маҳорат ва технология, фанларида ўқитувчи мулоқоти турлари мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий манбалар ташкил қилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий фарази. Агар:

- ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни аниқ педагогик шарт-шароитлар, муайян таълим мазмуни, воситалари, шакл ва методларига таянган ҳолда шакллантирилса;
- ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи тарихий ва миллий тажрибалардан унумли фойдаланса;
- ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни йўналтирилган педагогик жараён муайян илмий-педагогик тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса, ўқувчилар

маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш жараёни самарали бўлади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

- ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни долзарб педагогик муаммо сифатида амалий жиҳатдан асосланди.

- ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг хусусиятлари кўрсатилди ва усуллари, воситалари такомиллаштирилди.

- ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрнига йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлик даражаси аниқланди ва ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрнига йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти: Бошланғич синф ўқувчилари маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўзига хос хусусиятларига йўналтирилган назарий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти: бошланғич синф ўқитувчиларига Битирув малакавий ишнинг натижасида кенг қамровли дидактик материаллар, илмий-методик тавсиялар тақдим қилинди. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларининг ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрнига оид билимлари ва педагогик касбий маҳоратларини оширишда ушбу битирув малакавий иш материалларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши кириш, 2 боб, 4 параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

I.Боб. Шах маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик асослари.

I.1. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва камолотида эътиқод тарбиясининг ўрни.

Ахлоқ - ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, унинг моҳияти, шахс хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечирини тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифода қилади. Шу боис, ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга. Муайян миллат қиёфаси, унинг кишилиқ тараққиётидаги ўрни белгиланаётган жараёнда мазкур тушунча асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

«Ахлоқ» тушунчаси омма фикри асосида тартибга солувчи фаолият тарзида кишилиқ жамиятининг илк босқичида шаклланган. Қадимданок ижтимоий-фалсафий, психологик, педагогик, тарихий, бадиий, этнографик ва маданиятшуносликка оид асарларда ушбу тушунча турли кўламда ишлатилиб келинган. Ахлоқ (арабча хулқ-атвор демакдир) - ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради. Ахлоқ омма фаолиятини тартибга солишнинг бошқа шакллари (ўқув, ишлаб чиқариш, халқ анъаналари) да ўз талабларининг асосланиши, амалга оширилиши ва омма фикри асосида тартибга солиниши билан фарқ қилади. Ахлоқ талаблари барчага таълуқли, бироқ ҳеч кимнинг кўрсатмаси, ҳеч қандай махсус буйруқ асосида бажарилмайдиган, ихтиёрий амалга ошириладиган бурч шаклига киради. Ахлоқ талабларининг бажарилиши фақат маънавий таъсир кўрсатиш шакллари доирасида юз беради. Ахлоқ шахс тараққиётининг юқори босқичи бўлган маънавий кўлиллиқ асосини, пойдеворини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда ахлоқ

- жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуйидир.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил саналади. Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс маънавий-ахлоқий камлотини шакллантириш асоси ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий таълим ўқувчиларга маънавий-ахлоқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда маънавий-ахлоқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш жараёни бўлиб, изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ мақсадга йўналтирилган яхлит педагогик жараён бўлиб. Ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади:

1. Ўқувчиларга маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳамда ахлоқий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ижтимоий жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маълумот берилади.
2. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий билимларни эгаллашга бўлган - эҳтиёжни юзага келтириш, маънавий-ахлоқий онгни қарор топтириш.
3. Ўқувчиларда ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатлар (билимлилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, меҳр-муҳаббат, ватанга, халққа муҳаббат, ота-она ва катталарга ҳурмат, инсонпарварлик, саховат, бурчга садоқат ва ҳоказо)ларни қарор топтириш.
4. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий мазмундаги хулқ-атвор, характер ва иродани шакллантириш.
5. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий сифатларининг қарор топиши тарихий-объектив шароитда шахс томонидан жамият тараққиёти, инсонларнинг ўзаро

хамкорлик, алоқа доираларининг кенгайиши такомиллашувига кўрсатиладиган таъсирнинг ижобий, мўтадил ҳолатда бўлишини таъминлашда кўринади. Маънавий-ахлоқий сифатларнинг қарор топиши қуйидаги умумий мазмун асосида рўй беради:

- ўқувчининг маънавий-ахлоқийлик даражаси ижтимоий муносабатлар жараёнида, унинг жамият, атроф-муҳит ва табиатга бўлган ёндашувида намоён бўлади;
- ўқувчининг маънавий-ахлоқийлик даражаси жамиятнинг ижтимоий-маънавий тараққиёти даражасига боғлиқ;
- ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий камолоти объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил этиладиган узлуксиз, тизимли таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши натижасида вужудга келади;
- ўқувчининг маънавий-ахлоқий камолоти ижтимоий муносабатларнинг йўлга қўйилишида ижобий натижаларга олиб келади.

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини амалга ошириш қуйидаги тамойилларга мувофиқ йўлга қўйилади:

- Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий-ғоявий асосга эга эканлиги.
- Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбиянинг изчил, тизимли, узлуксиз ташкил этилиши.
- Маънавий-ахлоқий таълим-тарбия ғояларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги.
- Ўқувчилар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга ҳар томонлама (комплекс) ёндашув.
- Ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этишда тарихий ворислик ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятлар, уларда илгари сурилган ғояларга таяниб иш кўриш

- Ижтимоий фаолиятнинг инсонпарварлик ва демократик хусусиятларга эга эканлиги.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш - фаолият жараёни ҳисобланади. Ушбу жараён нафақат ижобий хислатларни шакллантиришни, балки салбий сифатларни бартараф этишни, ҳар қандай ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга қарши курашга ўқувчиларни ундашни ҳам кўзда тутди. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида ўқувчи (тарбияланувчи)нинг ўз-ўзини тарбиялашни кучайтириши катта аҳамиятга эга. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида баркамол шахс тарбияланиб вояга етказилади.

Шахснинг маънавий-ахлоқий маданиятининг шакллантиришга кўйиладиган ҳозирги замон талабларини амалга ошириш муаммолари динамик характерга эга бўлиб, ижтимоий тузум тараққиёти билан боғлиқдир. Бу муаммони фалсафа, этнография, этика, эстетика фанлари тадқиқ этади. «Маданият» - арабча сўз бўлиб, у жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳаётда ва маънавиятда қўлга киритилган ютуқлари мажмуидир.

Демак, маданият- инсон фаолияти маҳсули натижаси сифатида, инсонларнинг моддий ва маънавий фаолиятлари жараёнида вужудга келади. Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири натижасида ақлан етук, ахлоқан яхлит шаклланган шахс таркиб топади. Инсон бирон моддий бойлик яратар экан, аввало, унинг қурилиши, ишлаб чиқариш жараёни ва таълим-тарбиявий натижасининг амалий аҳамиятини олдиндан кўра билади. Шахс сифатида шаклланадиган ўқувчининг маънавий камолотида ахлоқий маданиятнинг аҳамияти катта. Ахлоқий маданиятга ахлоқий билимлар, малака ва кўникмалар, ахлоқ қоидалари ёрдамида ўқувчининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини бошқариш тизими киради. Ахлоқий маданият ўқувчининг кўп қиррали фаолият давомида шаклланиб ва такомиллашиб боради.

Ахлоқий маданиятнинг кўринишлари, унинг қирралари ва намоён бўлиш шакллари хилма-хилдир. Инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, эрксеварлик, фаоллик, ижодкорлик, поклик ва шу каби қатор муҳим тушунчалар ахлоқий маданият тушунчаларидир. Бу хислатлар фаолият жараёнида маънавий маданиятнинг бошқа маданият қирралари билан биргаликда ўқувчи онги ва хулқига таъсир этади. Маънавий-ахлоқий мазмундаги таълим-тарбия ишини ташкил этиш таълим муассасаси педагогик жамоа умумий ишининг таркибий қисми бўлиб, уларни ўтказишда мактаб раҳбарияти, касаба уюшмаси аъзолари, оналар кўмитаси, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, жамоа ташкилотлари, ходимлари ҳам иштирок этади.

Таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйишнинг қуйидаги турлари алоҳида аҳамиятга эгадир: суҳбатлар, учрашувлар, эрталиклар, ҳафталиклар, ойликлар, кўриклар, конференция, баҳс-мунозара ва бошқалар. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда тарбиявий тадбирлар умумий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Маънавий-ахлоқий мазмундаги тадбирларни ўтказиш ушбу тарбияни ташкил этишдаги кўзланган асосий мақсадга хизмат қилмоғи керак.

Ўзида юксак фазилат маънавий-ахлоқий поклик ва инсоний камолот каби хислатларни бир-бири билан уйғунлаштирадиган шахс тарбияси таълим-тарбия тизимининг бош масаласи ҳисобланади.

Бугунги ёшларда замонамизнинг энг машҳур (ижобий маънода) кишиларга ўхшашга ҳаракат қилишлари, намунанинг тарбиявий кучи ўқувчиларнинг (болаларнинг) тақлид қилишга мойиллигига асослангандир. Ёшлар кўпинча ота-оналарига, маълум бир ижобий ютуқларга эришган қариндошларига, ўқитувчиларига ва машҳур қаҳрамонларга тақлид қиладилар. Турли ёшдаги болаларга тақлид қилишига мойиллик турлича

бўлади. Болалар улғайиб борган сари теварак-атрофидаги катта ёшдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларига тобора танқидий назар билан қарайдиган бўлади. Шу ёшдаги болалар ўз нуқтаи назарларидан тақлид қилишга арзигулик деб билган кишиларни ўзлари учун намуна деб биладилар ва уларга эътиқод қўядилар.

Маълумки, тарбия воситаси бўлган намуна моҳият эътибори билан эътиқодга яқин туради. Эътиқод тушунчаси ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Бунда тарбиячи ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига таяниб уларнинг онгига, ҳиссиётларига таъсир қилади. Шу йўл билан ёшларда ижобий ахлоқий сифатлар таркиб топа боради ҳамда мустаҳкамланади улардаги салбий хулқ- одатлари йўқотилади. Ўқувчиларда эътиқод ҳосил қилиш жараёнида этикага оид тушунчалар ҳам таркиб топиб боради. Эътиқод тарбиясини амалга оширишда ҳар бир ўқувчининг қизиқиш доирасини, майлини, фикр-ўйини диққат билан ўрганиш талаб этилади. Маънавий-ахлоқий тарбия ёшларнинг баркамол бўлиб шаклланишида мустаҳкам асосдир. Таълим олувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясида ўзига хос методлар, шакллар ва воситалар мавжуд бўлиб, улар ушбу соҳадаги фаолият олиб боришнинг самарасини белгилашда методик асос бўлади. Ёшлар орасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбиянинг қуйидагича метод, шакл ва воситалари бор. Улар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

1. Маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар: ўқувчининг муомала маданияти; ўқувчининг маънавий қиёфасига қўйиладиган талаблар; ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш - долзарб вазифа; маънавият тушунчаси; Ватан туйғуси - муқаддас туйғу; ўқувчининг ташқи кўриниши ва унинг ички дунёси; китоблар - билим ва маънавият манбайи; ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш; мустақиллик нашидалари; ёшлар интеллектуал салоҳияти - келажак муваффақияти; фидокор ёшлар қандай бўлиши керак? Аждодлар мероси - маънавиятимиз сарчашмалари; замонавий урф-одатларда маданият ва маънавият; Амир Темур ёшлар

камолоти ҳақида; Ватан қаҳрамонлари ва уларнинг жасоратлари; мустақил Ўзбекистон жаҳон нигоҳида; Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва унинг устувор йўналишлари; юксак маданият ва маънавият - жамият тараққиётининг пойдевори; тарих- миллат маънавиятининг негизи каби дарсларни уюштириш. Бунда турли фанлар мавзуларини ўтишда ўша фанда тарбияга оид лавҳа ва эпизодларни намойиш қилиш амалга оширилади. Маънавий-ахлоқий тарбия тизимида маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай суҳбатлар мазмун жиҳатидан ранг-баранг бўлиши мумкин.

2. Ҳикоя;

3. Тушунтириш;

4. Қуйидаги мавзу ва йўналишларда маъруза ва семинарлар ташкил этиш ва уюштириш: маънавиятимизнинг буюк тимсоллари; жадидчилик ҳаракати намоёндалари; маънавий тарбияда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрни; меҳр ва мурувват - улуғ инсоний қадрият; ахлоқ категориялари ва баркамол авлод тарбияси; эзгулик ва муқаддас китоблар; маънавий-ахлоқий тарбия - касбий баркамолчилик асосидир ва шу қабилар;

5. Намуна кўрсатиш. Бунда устоз ва мураббийларнинг шахсий ибрат-намунаси эътиборга олинади ҳамда «ибрат-намуна - ҳаёт дорилфунуни» рукнида фаолиятни доимо юритиб туриш лозим бўлади ва бу жараёни талабалар ўқийдиган ўқув муассасаларидаги устоз-мураббийлар ҳаёти ва фаолиятдан бошлаган маъқул;

Ижобий шахсий намуна - талабалар шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллаши мумкин бўлган метод бўлиб, шахсга шахс орқали таъсир этишнинг энг объектив йўли ҳисобланади. Ёшлар балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётни бошлагунларига қадар билиш, ўрганиш жараёнида ўқитувчи-тарбиячига, ота-онага, қўни-қўшнига, дoston, драма ёки адабий асарлар қаҳрамонларига тақлид қилишади. Ўқувчилар ўзлари ёқтирадиган одамга тақлид қилиш натижасида ўзларини мағрур тутадилар, хатти-

харакатлари худди катталарникидек туюлади. Я.А.Коменскийнинг фикрича, «Бола ўқишни ўрганишдан олдин тақлид қилишни ўрганади». Тақлид қилиш орқали ёшларнинг ўз тажрибаси қўшилиб кетиб, уларда янги шахсий хислатлар пайдо бўла бошлайди.

Умуман, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи одоби, аёло ўқийдиган ўқувчиларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиши орқали ҳам ўқувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Бироқ, намуна қилиб кўрсатувчи ўқувчининг шахсини ҳаддан зиёд мақтамаслик ва ўзгаларнинг шахсиятига тегмасликка алоҳида эътибор бериши лозим.

6. Киши ижобий хислат ва фазилатлари инсоннинг олижаноблиги эканлигига ишонтириш. Ишонтириш тарбия методи-талабалар маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришдаги асосий методларидан бири ҳисобланади. Ишонтириш методида ўқитувчи ўқувчилар онгига, руҳига, ориятига, иродасига таъсир этиш йўли билан уларнинг характеридаги ахлоқий интеллектual ва бошқа ижобий хислатларини шакллантиради, иллатларни камайтиради. Салбий хислатлардан сақлайди. Ишонтириш шаклланаётган шахсга умуминсоний қадриятларга, миллий удум ва анъаналарга, фалсафий дунёқарашга асосланиб, миллий мафқуранинг асл моҳиятини чуқур тушунтиришга таянадиган метод ҳисобланади.

7. Баҳс-мунозаралар уюштириш. Бунда қутлуғ саналарни нишонлаш бўйича, алломаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари бўйича, китоб ва китоб ҳосияти ҳақида; касб ва ҳунар ҳақида; ҳамкорлик -тараққиёт ўлими эканлиги хусусида; «зукколик ва билимдонлик - ақл ойнаси» эканлиги бўйича; гиёҳвандлик, террорчилик ва уларнинг баркамол авлод тарбиясига таъсирлари тўғрисида, маънавий етук ва маънавий қашшоқ инсонларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида; «мустақиллик ва илм-фан»; «мустақиллик ва таълим-тарбия», «мустақиллик ва имконият ҳамда масъулият» рункларидagi жараёнлар; ҳалоллик ва фидойилик ва ҳ.к. шу кабилар орқали тарбиявий

тадбирлар амалга оширилади ҳамда баҳс-мунозарани бошқарувчи машғулотнинг маънавий-ахлоқий жиҳати бўйича хулосаларни баён қилади.

Ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашда мунозаралар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънавий-ахлоқий мавзулардаги мунозаралар ўқувчиларда муайян ҳолат, ҳодисаларга нисбатан тўғри баҳо беришга, бу борада фикр юритишга ўргатиш ҳамда эътиқодни шакллантиришга хизмат қилади. Мунозара ўй-фикрларни тартибга солади, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, баҳс юритишни ташкил этишга, ўртоғини тинглашга, ўз фикрини илгари суриш ва уни образли тарзда ҳимоя қилишга, айтиш чоғда ўз хатоларини тан олишга ўргатади.

8. Учрашувлар. Бунда қуйидаги ҳолатларда тарбиявий тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқ: Ўзбекистон Республикасининг мадҳиясига бағишлаб «Адолат мезони - етуклик белгиси» мавзусида учрашув; «14-январ-Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан «Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида Ўзбекистон қуролли кучларининг етук мутахассислари билан учрашув; «1-март-гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши кураш куни» билан боғлиқ учрашувлар; «1-октябр-Халқаро қариялар куни» ва «1-октябр - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га оид учрашувлар; «5-октябр - Халқаро ўқитувчилар куни» ва «5-октябр - Халқаро шифокорлар куни»га боғлиқ учрашувлар; «24-октябр-Халқаро БМТ куни»га оид учрашувлар; «4-ноябр-ЮНЕСКО ташкил топган кун»га оид учрашувлар ва ҳоказо.

9. Матбуот конференцияси.

10. Танловлар ўтказиш. Бунда маънавий-ахлоқий тарбияга оид тадбирлар амалга оширилади ва қуйидаги йўналишларда олиб борилади: кроссворд ечиш бўйича; ребус тузиш бўйича; бошқотирмалар тайёрлаш бўйича; «Тафаккурингизни синаб кўринг» ва «Интеллектуал ринг» ўйинлари бўйича; «Билимлар ўчоғи» ва «Олтин тож» ўйинлари асосида; «Шахс камолоти ўқуви» ва «Янги филер» тўғарақлари машғулотлари асосида ва ҳоказо.

11. Саҳнавий дарслар ўтказиш.

12. Матбуот материаллари.

13. Ўқув ва ёрдамчи адабиётлар билан ишлаш.

14. Маънавий-ахлоқий тарбияга оид мултимедиали тарбия технологиялари. Бунда миллий ғояни ўрганишга тайёрланган ахборотлаштирилган таълим технологияси, миллий-маънавий кадриятларни ўрганишга оид «Қадриятлар» номли кўмакчили компьютерли тизим, бунёдкор ғояларни ўрганишга оид «Бунёдкор» номли ахборотлаштирилган таълим технологияси, талабалар дунёқарашини юксалтиришга оид «Интеллект» номли кўмпютерли тизим, маънавий-ахлоқий тарбия беришни оптималлаштиришга оид «Ахлоқ» мавзусидаги ахборотлаштирилган интеллектуал тизим ва шу кабиларга эътибор қаратилади.

Маънавий-ахлоқий хулқ, бу борадаги ҳаётий тажрибаларни ҳосил қилишга кўмаклашувчи методлар:

1. Расмий касбий ўйинлар. Бунда маънавий-ахлоқий тарбияга оид маълумотлар тўпланади ва айниқса, буюк алломаларнинг фаолияти ҳамда қарашлари, асарлари асосидаги ахлоқ категориялари ва уларнинг мазинун-моҳиятини очиқ беришга оид ўйинларни («Ақл-заковат», «Олтин тож», «Ўйла, изла, топ», «Янги фикр», «Педагог ким», «Тарбиячилар ёки мураббий» ва шу каби ўйинларни уюштириш.

2. Ишчанлик ўйинлари. Бунда «Ақлли одам бўлиш яхшими ёки доно», «Олим киму фозил ким?» ва ҳоказо кўринишдаги ўйинлар орқали талабаларга ахлоқий тарбия бериш амалга оширилади.

3. «Ақлий ҳужум». Бунда талабалар онгида эзгуликни ва адолатни шакллантиришга оид тренинг дарсларини ташкил этиш назарда тутилади.

4. Фикр ва ғояларни тизимлаштириш. Бунда фикрлар ва ғоялар кураши асосида жаҳолатга қарши курашда маърифатга ва маънавиятга таяниш лозимлиги таъкидланади.

5. Баҳс-мунозара. Бунда «Оддий ҳақиқатлар», «Сиз интеллектуал салоҳиятлими сиз?», «Баркамол авлод ким?», «Комил инсон ким?»

«Донишмандлик қандай шахсларга хос?» ва шу каби мавзулар уюштирилади. Уларда талаба-ёшларнинг ахлоқ категориялари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш назарда тутилади.

6. Мусобақа. Бунда инсоннинг индивиддан шахс даражасига юксалиши, ақлли одамнинг доно даражасигача юксалиши ва ҳоказо инсоннинг донишманд даражасигача ақлий камолоти босқичларига оид гуруҳлар орасидаги мусобақалар ташкил этилади. Улардан кўлзланган мақсад талабалар онгида маънавий етук шахс моделини яратишдан иборат бўлади.

7. Деворий газета. Бунда бериладиган маълумотлар талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид материаллардан иборат бўлади ва улар иложи борича дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги материалларни бойитишга қаратилган бўлмоғи лозим.

8. Маънавий-ахлоқий мавзуларга оид албом ва журнал тайёрлаш. Бунда маънавиятимиз буюк тимсолларининг муайян бир кишига ёки бир йўналишдаги улуғ инсонлар фикр, қараш, ғоя ва таълимотларига асосланган ҳолда журнал ва албомлар тайёрлаш эътиборга олинади.

9. Ахлоқий-муаммоли вазиятлар таҳлили. Бунда бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг одамга, оилага, жамоага ва давлатга турли хил таъсирлари тўғрисидаги муаммоли вазиятлар талабалар иштирокида таҳлил этилади ва унинг натижасида ҳосил бўладиган хулосаларнинг ёшларга миллий-маънавий тарбия беришдаги аҳамияти ҳам ўрганилади. Демак, маънавий-ахлоқий тарбия методлари ва воситалари ҳамда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш баркамол авлодни шакллантиришда мустаҳкам асослардан бири ҳисобланади

Ахлоқий тарбиянинг мазмуни, аввало, талабаларнинг амалий фаолиятларида, ўқиш, меҳнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг муносабатлари характерида, ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиришларида намоён бўлади. Ахлоқий тарбия тарбияланувчининг ёши ва унинг тўғри йўналиш олиши учун ҳал қилувчи

таъсир кўрсатадиган муҳитни (оила, ўртоқлар ва дўстлар муҳити) ҳам ҳисобга олганда шахснинг бутун ҳаётининг фаолияти жараёнида амалга оширилади. Ахлоқий тарбиянинг йўл ва усуллари талабаларга ахлоқий сабоқ бериш каби махсус ишни ташкил қилишда алоҳида хусусиятга эга. Ахлоқий тасаввурлар, қараш, мулоҳаза, баҳо бериш каби тушунчаларни шакллантиришга ва шу асосида ахлоқий эътиқодни юксалтиришга таъсир кўрсатади, яъни: ўқувчиларни ўзларининг ахлоқий тажрибаларини мушоҳада қилишлари ва бойитишларига ёрдам беради; турли манбааларда ахлоқ тўғрисида олинган билимларни синайди; шахснинг ўзини ахлоқий тарбиялашга замин яратади.

Ахлоқий билим беришни ташкил қилишда таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг шахсий ахлоқий тажрибаларини, ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги хабардорлик даражасини, ахлоқ соҳасидаги ўзлаштирган билимларнинг ахлоқий талаблари билан муносабатини ҳисобга олиш зарур. Ахлоқий билим, асосан ахлоқ тўғрисидаги суҳбатлар, маърузалар мавзуи, кечалар, турли касб намоёндалари билан учрашувлар, талабалар конференциялари ва бошқа воситалар билан амалга оширилади.

I.2. Ўқитувчи мулоқотининг ўқувчи маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантиришдаги мавжуд имкониятлари.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрнини ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 13-умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчилар билан суҳбат, учрашув ва анкета сўровномаларни ташкил этдик. Қуйида ана шундай “Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни” мавзусидаги тажриба-синов натижасини келтириб ўтамиз. Тажриба-синов жараёнида мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари танлаб олинди.

Тажриба-синовнинг мақсади: Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан таништириш. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот жараёнида турли муаммоли вазиятларни ечимини топишга ёрдам беришдир.

Тажриба-синовдан кутилган натижа: мазкур ишнинг мактабда ўқувчи маънавий ахлоқий тарбиясида ўқитувчининг турли педагогик вазиятлар натижасида мактабда учрайдиган турли ҳолат ва муаммоларни, уларни бартараф этиш йўлларини билиш ва кўникмалардан хабардор бўлиш имконини беради.

Тажриба-синовни амалга ошириш технологияси: ҳозирги кундаги самарали технологиялар: савол-жавоб, тарқатма материаллар, анкета сўровномалари, мултимедия воситалари.

Назорат: гуруҳлараро оғзаки сўров, қиёсий таҳлил ўтказиш.

Баҳолаш: рағбатлантириш ва ўз-ўзини фаолиятли баҳолаш.

Тажриба-синовнинг бориши: икки босқичда амалга оширилди.

1-босқич (ташкилий-йўналтирувчи). Мактаб билан танишиб чиқилди. Унга кўра мактабда жами 36 нафар бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб улардан 20 нафари олий маълумотли, 16 нафари эса ўрта махсус маълумотлидир.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибалари асосида кузатув ишлари бошланди. Дарс жараёнида ўқувчилар билан мулоқот жараёни кузатилди. Улар билан суҳбатлар ташкил қилинди. Мактаб ўқитувчиларидан 14 нафар бошланғич синф ўқитувчиларига қуйдаги анкета саволларни тарқатиб чиқдик. Унда қуйдаги саволлар билан мурожат қилинди.

1. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни сизнингча қандай даражада ?

а) юқори б) ўрта в) билмадим

2. Ўқитувчи кўпроқ мулоқот жараёнида қандай воситалардан фойдаланса самарали бўлади ?

а) сўз орқали б) китоб орқали в) кўргазмалар орқали

3. Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда оиланинг роли қай даражада?

а) юқори б) ўрта в) билмадим

Берилган, Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни сизнингча қандай даражада, саволига қатнашган 12 нафар ўқитувчи яъни 100 % дан, 8 нафари 66 % юқори, 4 нафари 34 % ўрта деб жавоб беришди.

Ўқитувчи кўпроқ мулоқот жараёнида қандай воситалардан фойдаланса самарали бўлади, саволига қатнашган 12 нафар ўқитувчи яъни 100 % дан, 2 нафари 18 % сўз орқали, 4 нафари 34 % китоб орқали, 6 нафари 48 % кўргазмалар орқали, деб жавоб беришди.

Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда оиланинг роли қай даражада, саволига қатнашган 12 нафар ўқитувчи яъни 100 % дан, 7 нафари 58 % юқори, 3 нафари 26 % ўрта, 2 нафари 16 % билмадим, деб жавоб беришди.

Кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ҳар бир ўқитувчи билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, уларга қуйдаги муаммоли саволлар билан мурожаат этилди.

1. Педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи касбий фаолиятида қандай аҳамият касб этади?
2. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ўқитувчи қандай тарбия усуллардан фойдаланади?
3. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулоқотидан асосий мақсад нима?

Ушбу саволларга ҳар бир ўқитувчи ўз таҳлилий муносабатини аниқ, ишончли маълумотлар билан баён қилиши кераклигини тушунтирдик. Таҳлил қуйдаги босқичларда олиб борилиши ўқитувчиларга тавсия этилди:

- Келтирилган муаммоли вазиятдан ҳал қилиниши лозим бўлган таълим муаммоларини топиш.
- Таълим муаммоларини келтириб чиқарган ижтимоий, психологик, биологик омилларни таҳлил қилиш.
- Таълим муаммоларининг ечимини таклиф этиш ва тавсиялар бериш.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибаларидан келиб чиқиб, уларни иш тажрибалари баланд ўқитувчилар, ўрта тажрибадаги ўқитувчилар ва ёш ўқитувчилардан иборат 3-гурӯҳга ажратилди.

Ҳар бир ўқитувчи келтирилган муаммоли вазият бўйича ўз таҳлилларини таклиф этишди. Масалан, 1-гурӯҳ қатнашчилари келтирилган муаммоли вазият, таълимда ўта муҳим эканлигини таъкидлаб, мазкур муаммолар жавобларини қуйдагича изоҳлашди.

Биринчидан, педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи касбий фаолиятида юқори ўрин тутиб, мулоқот асосида ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий сифатлари камолотига эришилади.

Иккинчидан, ўқитувчи дарс жараёнида аждодлар бой тажрибаси миллий ва умуминсоний кадриятлар орқали тарбия бериш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулоқотидан асосий мақсад ўқувчиларга самарали билим бериш уларни баркамол инсон қилиб тарбиялашида.

2-босқич(таҳлилий). Ўқитувчилар ўз тақлиф ва мулоҳазаларини яқунлагач, ҳозирда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот жараёни талаби қай даражада, ўқувчиларда маънавий ахлоқий фазилатларини шакллантириш учун қандай ишлар амалга оширилишини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказдик. Унга кўра, 100% қатнашчининг, 51% ўқитувчилар уларни доимий назорат қилиб, маълум бир мавзулар бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб туришларини, 22% эса уларни қўшимча дарслар ва тўғаракларга жалб қилишларини, 27% эса ўқувчиларни китобхонликка йўналтиришларини айтишди.

Ўқитувчиларнинг барча фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, маънавий ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ижтимоий, психологик ва педагогик жиҳатлари хусусида қўшимча илмий-назарий маълумотлар берилди.

Олиб борилган машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ўқитувчиларнинг ўрнига бўлган онгли ёндошувни, уларни мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини улар билан олиб борилган тажриба-синов мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди.

Натижалар таҳлилинини методик жиҳатдан, таҳлил этар эканмиз, ўқитувчилар билан машғулотларнинг ташкил этилиши ва бунда халқ педагогикаси намуналаридан самарали ҳамда доимий фойдаланиш, ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрнига ижобий таъсир кўрсатади.

Демак, ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган тарбия жараёнини талаб этиб бунда:

- ўқитувчиларнинг ўқувчилар тарбиясида доимий назорати;

- тарбия жараёнида тизимли-фаолиятли ёндошув;
- тарбияда халқ педагогикаси намуналаридан доимий фойдаланиш;
- таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни доимий ўтказиш;
- ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий фазилатларни шакллантиришда замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

II.Боб. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашнинг шакл ва усуллари.

II.1. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг ривожлантириш омиллари.

Одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат эътиборда бўлишлари ўзаро муомала жараёнида намоён бўлади. Халқимизда азалдан мулоқот саломлашиш маданиятидан бошланади. Саломлашиш турли халқларда ҳар хил амалга оширилади. Халқимизда саломлашиш ахлоқлилиқнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, унинг негизида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, шу миллатнинг рухий хусусиятлари, ўзаро муносабатларининг маънавий асослари, бўлажак мулоқотнинг характери, ўзаро ҳамкорлиги акс этади. “Қуръони Карим”да саломлашиш одоби мусулмон аҳлининг қатъий мажбурий бурчи тарзида баён этилади: Эй мўминлар, ўз уйлариңгиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд ушбу эслатмадан ибрат олсангизлар.

Аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, халқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Ҳисрав Деҳлавий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Кайковус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ ва Ғарб донишмандларининг бой меросларида фарзандларни тарбиялаш ва камолотга етказиш асосий муаммо сифатида тарғиб қилинган. Улар сўзни ва нутқни таълим-тарбияда илоҳий неъмат ва ҳикмат деб билишган ҳамда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, тарбияда сўздан кучлироқ ва қудратлироқ нарса йўқлигини, тилга эътибор - элга эътибор эканлигини, сўз сеҳри мўъжизалар ярата олишини таъкидлаб келганлар. Буларнинг барчаси мударрис ва шогирдларнинг самимий

мулоқоти жараёнида амалга оширилган. Мударрислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнта нишонаси борлигини алоҳида таъкидлашган:

- биринчиси: халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик;
- иккинчиси: ёшлиқдан ўз нафсига эрк бермаслик;
- учинчиси: бировлардан асло айб қидирмаслик;
- тўртинчиси: ёмонлик ва омадсизликни яхшиликка йўйиш;
- бешинчиси: агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш ва кечиримли бўлиш;
- олтинчиси: муҳожирлар хожатини чиқариш;
- еттинчиси: доимо эл ғамини эйиш;
- саккизинчиси: айбини тан олиш;
- тўққизинчиси: эл билан очик чехрали бўлиш;
- ўнинчиси: одамлар билан доимо ширин муомалада бўлиш.

Мулоқот Шарқона тарбияда ахлоқ кўрки саналган. Муаллим ҳар бир ўқувчининг қандай дунёқарашга эгалиги, тафаккури, билим савияси, ҳаётга нисбатан муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлишини уқтиришган. Шарқ мутафаккирлари меросида мулоқот - азалдан инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган. Мулоқотнинг асосий қуроли тил ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тил - алоқа қуроли сифатида таърифланади.

Инсоннинг тили ширин, муомала маданиятига эга бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-еътибор топади. Кўп гапириш ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, айтиладиган ҳар бир сўзга ҳурмат билан, ўйлаб ёндашиш лозимлигини уқтириб ўтганлар. Ўқитувчи “сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйла”ши (И.П.Павлов) керак.

Алишер Навоий ўз адабий меросларида муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида ноёб фикрларни баён қилган. Бугунги кунда ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. “Тил ширинлиги - кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир” - дейди аллома.

Ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг тил бойлиги муҳим аҳамиятга эга: бир томондан, ширин тиллилик ўқувчиларни ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг тил бойлиги нутқининг образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлишини таъминлайди, натижада ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Зотан, тил ва нутқнинг теранлиги, ўқитувчининг маҳоратини, маънавий бойлигини, ўқитувчилик қобилиятининг қай даражада эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади. Америкалик таниқли шоир Ролф Эмерсон: “Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади” - дейди. Шарқ мутафаккирлари ижодида тил ва нутқ воситалари орқали нотик, воиз, бадиҳагўй, қиссахон каби махсус санъат аҳиллари ва мударрислар диний, таълим-тарбиявий, исломий ақидаларни оммага сингдиришгани, панд-насихатлар қилишгани баён этилади. Ушбу нутқ соҳиблари кенг қамровли билимга, бой ахборотга эга бўлишган.

Алишер Навоий “Воиз олимнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлишини, унинг насихатидан чиқмасликни” ўз асарларида баён этган. Шунинг учун тил ширинлиги ва нотиклик санъати устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчининг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда беқиёсдир. Ўқитувчининг тили, нутқий қобилияти ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ-атвори ва фикр юритишларига улкан таъсир этувчи кучли воситалардир. Ўқитувчининг “тил бойлиги ва нотиклик санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган”

(А.П.Чехов). Унинг ҳис туйғуси, интилишлари, ирода ва эътиқоди нутқида акс этади. Ўқитувчи тил бойлиги билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, Ватанга садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳиссиётларини уйғотади, билим олишга ундайди. Шунинг учун ўқитувчи “тилнинг халқ ўтмиши, ҳозирги ва келажак авлодни буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айлантирувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг мустаҳкам восита” (К.Д. Ушинский) эканлигини унутмаслиги керак.

Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинсуханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулоҳимлик муошарат одоби дейилади. Муошарат одоби инсоннинг гўдаклигида ота-она бағрида, оилада шакллантирилиши керак. Қуш уясида кўрганини қилади, дейилади халқ мақолларида. Оилада ўрганилган муошарат одобининг пойдевори мустаҳкам бўлади. Бола мактабда, улғайгач эса, ижтимоий муҳитда кўникма ҳосил қилиш жараёнида оиласида ўрганилган муошарат одобининг куч-қудратини доимо ҳис қилади.

Ўқувчиларда муошарат одобини шакллантириш учун ўқитувчининг ўзи аввало хушмуомалалигини намойиш этиб, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб, кўмак бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари асарларида муошарат одоби турли кўриниш ва номларда баён этилади.

Жумладан, Ал Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида асосий ғоя - фозил кишилар образи. У ким бўлишидан қатъий назар шоҳми, гадоми, оддий фуқароми фозил кишидир. Шаҳарнинг фозил кишилари бир-бирларига нисбатан ҳурмат ва иззатда бўладилар. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд, дўстлар, қариндошлар ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром мавжуд. Форобий асарида бундан бир неча аср илгари ҳам ота-боболаримизнинг маънавияти нақадар юксак бўлганлиги ва бу авлодларга кўмак бўлиши таъкидланади.

Оноре де Балзак, хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатли эканлигидан далолат беради, дейди. Инглиз донишманди Жон Либбок, одамлар боодоблилик ёрдамида ҳаттоки куч билан эришиш мумкин бўлмаган ғалабаларга эришиши мумкинлигини айтади. Демак, муошарат одоби нафақат миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг кўзгуси бўлган, балки туркий халқларнинг ноёб инсоний фазилати сифатида эътироф этилган.

Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятиаридан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабатда ўқувчиларнинг дилига тўғри келмайдиган кўпол ва дилозор мулоқот олиб борувчи ўқитувчиларни ҳеч ким ёқтирмайди. Ўқувчилар хушфеъл, ширинсухан, адолатпарвар, муомаласи ширин ўқитувчи ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришадилар ва ҳурмат-эътибор қилишади. Инсонлар орасида муносиб ўрнини топиш, иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан, бадавлатлиги билан, илм-хунари билан мақтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи лозим.

Ширин сўз мулоқотга киришишнинг асосий қуролидир. У инсон қалбини илтилади, кўпол сўз инсон қалбини жароҳатлайди. Ўқитувчининг “ақл-заковати, фикри, ҳис-туйғулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” (Азиз Юнусов). Чунки сўзнинг қудрати катта. Ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Энг аввало, ўқувчиларга муомала маданиятини, катталар олдида ўзини тута билиши, гапини бўлмаслиги, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур.

Мулоқот маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз зарур. Ўқитувчининг канчалик билимли, ақл-заковатли эканлиги ўқувчиларнинг бир-бирлари билан ва ота-оналари билан олиб борадиган мулоқоти орқали намоён бўлади. Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказадилар, амалга оширадилар. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо этади. Сўзга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришган бўлади. Бундай кишиларни ёқтирадилар, ҳурмат қиладилар. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатнинг илдизи муошарат одоби бўлиб, уни мукамал ўрганиш ҳар бир инсон учун зарур. Шу билан бирга, она тилини мукамал ўрганмоқ ва соф адабий тилда ўқувчилар билан мулоқот қилиш ўқитувчининг нотиклик қобилиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида ўз фикрларини баён этган: Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсон-парварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида Шарқ маънавий маданиятининг муҳим жиҳатлари уйғониш даврида ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган ал-Хоразмий, ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, Тусий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби кўплаб

мутафаккирларнинг ижодий мерослари педагогик тафаккур тараққиётида, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотида, умумбашарий маънавий кадриятларнинг юксалишида муҳим босқич бўлди. Улар Шарқона одоб-ахлоқ талаблари асосида комил инсонни тарбиялашнинг маънавий асосини яратишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу давр маънавий кадриятлари мазмунида аввало, инсоннинг ички ва ташқи ҳолати, ҳиссиёти, меҳнатга, турмушга муносабати, меҳр оқибати, муҳаббати, садоқати, билим ўрганишга интилиши, маънавий кайфияти, ақл-идроқи, эрки, инсонни табиатнинг энг буюк маҳсули сифатида куйлаш, тасвирлаш, олий ахлоқли, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган адолатли жамоа вакилини тарбиялаш ғояси илгари сурилган. Уларнинг ёш авлод маънавий маданиятини тарбиялашдаги аҳамияти ҳам нақадар бебаҳо эканлигини таъкидлаб, Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” номли асарида маънавият тушунчасига шундай таъриф беради: “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғота оладиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак менимча тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз”¹. Демак, маънавий маданият манбаларида илгари сурилган ғояларга амал қилиш, уларни ёш авлодга ўргатиш ва онгига сингдириш ўқитувчининг жамият ва Ватан олдидаги юксак бурчидир.

Инсон ўз кадр-қимматини ва ўзлигини умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнида англай бошлайди. Таълим муассасаларида ўқитувчи томонидан ўзаро мулоқот асосида олиб бориладиган куйидаги хусусиятлар негизида ўқувчиларда мулоқот орқали маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш мезонлари (О.Мусурмонова) ифодаланган:

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: «Маънавият» 2008 йил.

хар бир инсоннинг қизиқишларини кўра билиш, ҳис этиш ва ҳурмат қилиш; миллий-маънавий маданият манбаларини ўрганиш, ўзлигини англашга эҳтиёж; инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрнини тўғри тушуниш; инсонпарварлик, меҳр-оқибат, иймон, эътиқод, миллий қадриятларни эъзозлаш; Ватанга муҳаббат, садоқат, ўз манфаатларини жамият, халқ манфаатларидан юқори қўймаслик; ота-она, қариндошлар ва бошқа атроф-муҳитидаги кишиларга нисбатан мурувватли, саҳоватли бўлиш.

Ўқитувчи таълим-тарбиявий жараёнда ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда мулоқотнинг чексиз имкониятларидан фойдаланиб онг ва фаолият бирлигини таъминлаши тақозо этилади. Маънавий онг ўқувчининг дунёқараши, билими, ҳис-туйғуси, идроки, иродаси ва диққатининг мажмуаси бўлиб, у ўқитувчининг педагогик маҳорати негизида таълим-тарбиявий фаолият асосида шакллантирилади. Ўз навбатида, онг ҳам фаолиятга таъсир кўрсатади ва уни тартибга солади. Ўқувчиларнинг тарбиявий муҳитда уюштирилган маънавий фаолиятда маънавий ахлоқий муаммоларини эркин, онгли ва адолатли еча олишга интилиши таъминланиши керак. Ўқитувчи билан ўзаро мулоқот жараёнида ўқувчи онгли равишда ўз муносабатларини билдиришга тўғри хулоса чиқара олишга, миллий ғурур асосида уларни авайлашга, асрашга, севишга, умрбоқийлигини таъминлаши маънавий бурчи эканлиги ўргатилади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият — энгилмас куч” номли асарида “Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил - бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқлигидир.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини,

инсоний кадр- қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин ”¹, - деб таъкидлайди.

Маънавий-ахлоқий фазилатларнинг муҳим белгиларини шакллантиришда, таълим- тарбия тизимини маънавий муҳит, маънавий фаолият ва маънавий англаш босқичларидан иборат андозалар асосида ташкил этишда ушбу мезонлар талабларига риоя қилиш белгиланган мақсадни самарали амалга ошириш имкониятини беради. Бунда ўқитувчининг мулоқоти асосида ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш жараёнига таъсир этувчи қуйидаги омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга:

1. Ўқувчи маънавий фаолият асосида ўзлигини англашни шакллантириш учун маълум бир муҳитда маънавий қадриятлар билан ҳаракат орқали мулоқотга киришади. Ҳаракатсиз муҳит ва фаолият бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш самарадорлигини маънавий ҳаракат омили таъминлайди.
2. Маънавий қадриятларнинг моҳияти, маънавий-ахлоқий тажриба, ўқитувчининг таъсирчан нутқий мулоқоти воситасида ўқувчилар онгига сингдирилади. Нутқий алоқалар тарбия жараёни объектлари ва субъектлари орасида кечади ва ўқувчи маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ўқувчининг хулқ намунаси, маънавий ҳаракати, нутқий алоқалар самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчининг мулоқоти асосидаги фаолият муносабатлари билан белгиланади.
3. Маънавий қадриятларнинг тарбиявий имкониятидан таъсирланиш ва амалий фаолиятда уларга таяниш, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлаб, ўқувчи маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашдаги аҳамиятини янада такомиллаштириш таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларидан (ўқитувчи ва ўқувчи) доимий

¹:*Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:«Маънавият»,2008*

ижодкорликни талаб қилади. Ижодкорлик - миллий-маънавий қадриятлар асосида ўқувчи маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида унинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади.

4. Ўқувчи маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг муваффақияти ўқитувчининг мулоқот олиб бориш психологик тактикаси омилларига ҳам боғлиқ. Ушбу омилни ҳаракатлантирувчи шароитлар:

- ўқитувчининг педагогик-психологик ва махсус фанлар интеграцияси бўйича чуқур билимга эга бўлиши;
- мутахассислиги бўйича касбий маҳорати;
- ўқувчилар билан ўзаро дўстона мулоқот маданияти;
- ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини тез билиб олиши;
- ўқитувчи маънавий-ахлоқий фазилатларининг шаклланганлик даражаси;
- таълим-тарбиянинг замонавий усул ва методларини танлай билиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологиялари тўғрисида чуқур маълумотларга эга бўлиши;
- ўқитувчининг педагогик жамоа орасидаги ҳурмат - эътибори.

5. Ўқитувчи мулоқот асосида ўқувчиларда ҳам ижодкорлик омилни такомиллаштириб боради. Ўқувчида унинг сифатлари қуйидаги белгилар билан намоён бўлади:

- маънавий қадриятларни, анъаналарни ўзлаштиришга қизиқишда эҳтиёж ва талабнинг кучлилиги;
- ўрганилаётган фанлар асосларини эгаллашга ижобий муносабат;
- маънавий маданият савияси, дунёқараши;

- ўз-ўзига нисбатан талабчанлик;
- табиатга, атроф-муҳитга онгли муносабат;
- янгиликларни ва ахборот технологияларини ўрганишга қизиқиш;
- ижтимоий ва шахсий фаоллиги;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси;
- ташаббускорлиги ва ижодкорлиги.

Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш жараёнининг муваффақиятли бориши таълим мазмунига асосланиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкил этиш савиясига боғлиқ. Бу қуйидаги фаолият турларини мукамал билишни тақозо этади:

Биринчидан, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни ва энг асосийси мулоқот маданиятига риоя этишни талаб қилади.

Иккинчидан, ҳар бир дарсда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам белгиланган мақсадни аниқ қўя билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тўғри белгилаб олиши лозим.

Учинчидан, дарс жараёнида билимлар мазмунининг илмийлиги, узлуксизлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, ўқитувчининг нотиклик санъати асосида баён этиш шаклининг мукамаллиги, қизиқарлилиги ўқувчиларда таълимий ва тарбиявий томондан ўрганиладиган кадриятларга қизиқишни кучайтиради, уларда тарихий, адабий, миллий ва диний характердаги миллий кадриятлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини ошириш иштиёқи ривожланади.

Тўртинчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, назарий ва услубий тайёргарлиги, ўз касбига, фанига муносабати, олиб борадиган дарси

андозасини ва унинг натижасини олдиндан кўра билиш, ҳар бир дарс самарадорлигини таъминловчи техник ва технологик белгилардан биридир.

Бешинчидан, дарс жараёнида ўқувчилар жамоасига эркин фикр юритиш, ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён этишга имконият яратиш, ўқувчилар жамоаси фикрига таяниш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, истак-хоҳишларини эътиборга олиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларидан кенг фойдаланиш зарур.

Олтинчидан ўқувчилар билимига, хулқига бериладиган баҳонинг ҳолисона ва адолатли бўлиши барча таълим ва тарбиявий фаолиятни тўғри ташкил этилишига ижобий таъсир этувчи омил эканлигини унутмаслик керак.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгига мулоқот асосида миллий қадриятлар ва маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқотини ҳозирги замон педагогик талаблари асосида мукамал ташкил этилишини таъминлайди.

II.2. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш усуллари ва мулоқотда тарбиявий жараён тамойиллари.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти самарали бўлиши учун суҳбатдошни ўзига мойил қилиб олиш зарур. Ўзаро мойилликка эришиш учун амалда қўлланилиб келинадиган бир қатор мураккаб бўлмаган педагогик таъсир этувчи усуллардан фойдаланилади. Уларнинг энг муҳимлари ўқувчи ишончини қозониш ҳамда таъсир этиш ва маъқуллаш усулларидир.

Ишончини қозониш усули. Ўқувчилар билан мулоқот асосида таъсир кўрсатишнинг юқори самара берадиган усулидир. У ўқувчи онгига қаратилган бўлиб, идрок қилиш орқали ўқувчилар ишончини қозонишни ва уларнинг розилигини назарда тутади. Ишончини қозониш далиллаш, исботлаш орқали олиб борилади. Ишончини қозониш усули мулоқот дастури сифатида дарсдан ташқари жараёнларда, ўқувчи билан яқка ҳолда суҳбатларда, маънавий-тарбиявий соатларда қўлланилади. Ишончини қозониш усули ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиради, уларда ўз-ўзини тарбиялашга нисбатан жавобгарлик ҳиссини оширади.

Ишончини қозониш усули нафақат ўқитувчи билан мулоқот жараёнида, балки таълим-тарбиявий фаолиятдан ташқари ҳолатларда ҳам ўқувчига таъсир қилади. Ўқувчи ишончини қозониш ижобий ёки салбий натижалар пайдо қилиши ҳам мумкин. Ўқитувчи ишонтириш билан ўқувчида ижобий ҳислатларни уйғотиши учун тарбиявий методларни ўз ўрнида қўллаши шарт. Тарбия жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Чунки бир хил ёшдаги ўқувчилар психик жиҳатдан турли характерга эга бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорлари, қизиқишлари, иродавий ҳислатлари ҳар хил бўлгани учун бир ўқувчига нисбатан фойдали бўлган ишончини қозониш усули, бошқасига зарарли

бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг руҳиятини, психологиясини, ички дунёсини ўқитувчи мунтазам ўрганиб бориши, ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, тарбияланувчи темпераментининг умумий типларини ўрганиш методикасини билиш лозим. Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаши, суст фикр юритиши, ховликма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала- партиш ва чала ишлайдиган, ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ўқувчилар ишончини қозониши учун уларни билиши ва зарур бўлган хулосаларни ишлаб чиқиши шарт.

Ўқувчилар ишончини қозонишнинг яна бир муҳим хусусияти ўқувчиларни шахс сифатида ривожланишида ўз-ўзини тарбиялашидир. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчининг ўзини ўзи идора қилиши, ўзида эркинликни, ижтимоий мавқеини, ташаббускорлик ва мустақилликни шакллантиришдир. Ўқувчининг яширин қобилиятлари ўз-ўзига ишонч орқали юзага чиқади. Ўқувчи учун ўз-ўзини баҳолаш қийин жараён. Ўқувчи таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларга ишонч билан эргашиб, ўзига нисбатан ишонч руҳида тарбияланар экан, унда аввало, мустаҳкам ирода шаклланади, ўз бурчини тўғри тушунади, билиш ва ўрганишга қизиқиши кучаяди, ўз-ўзини ҳар томонлама такомиллаштиришга интилади, ўзига атроф-муҳитдаги ўртоқлари кўзи билан холисона баҳо беради, ўзига ишонади ва унда қониқиш хисси пайдо бўлади. Характеридаги салбий одатларни, зарарли сифатларни тез англаб, уларни йўқотиш ва бартараф этишга интилади.

Таъсир этиш ва маъқуллаш усули мулоқотнинг умумий жараёнидир. Икки суҳбатдошнинг бир-бирларига таъсир кўрсатишлари, тарбиявий мақсадни маъқуллаштириш воситаси сифатида ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ушбу усул воситасида ўқитувчи ўқувчи руҳиятига ва хулқ-атворида тарбиявий мақсадни кўзлаб сезиларсиз равишда психологик таъсир кўрсатади. Ўқувчи психикасида назоратсиз киради. Ушбу усул, мулоқот

жараёнида ўқитувчи ўқувчиларда ахлоқий-иродавий ҳислатларни фаол такомиллаштиради. Ўқитувчи хушмуомалалиги, муошарат одобининг чексиз кудрати билан ўқувчилар психикасининг англамаган қирраларига педагогик таъсир этади, ўқитувчи ва ўқувчининг яқиндан мулоқотда бўлишини, бир-бирларига ишончини, топшириқларни маъқуллаб вақтида бажариш учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиради.

Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан педагогик мулоқотни ҳар томонлама мукамал ташкил этиш ва кўзланган мақсадга эришиши маълум тарбиявий жараённинг жамият талабларига мос келувчи етакчи тамойилларидан ўринли фойдаланиши лозим:

1. Тарбиявий мақсадни амалга оширишда демократик ёндашув. Мулоқот жараёнида ўқитувчи ўқувчини ижтимоий қадрият деб тан олиши, ҳар бир бола, ўсмир ва ўспириннинг бетакрор ва ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиши, унинг ижтимоий хулқи ва эркинлиги лозим. Зеро, таълимни ислоҳ қилишдан асосий мақсад, тарбияда демократиянинг устунлиги, тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчининг бир-бирларига ўзаро ишончи, ҳамкорлик асосида педагогик муносабат моҳиятини ижобий томонга йўналтириш демакдир. Мулоқотни демократик услубда ташкиллаштирилган мақсад, таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш, педагогик фаолият марказида инсон шахси турганини унутмаслик, инсонга нисбатан бебаҳо бойлик сифатида муносабат туйғуларини ўқувчиларда ҳам шакллантириш вазифаси бажарилади.

2. Ўқувчилар билан дўстона муносабат. Аслида мулоқотдан мақсад ўқувчилар билан дўстона муносабатни рўёбга чиқаришдир. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ўқитувчининг инсонпарварлик туйғуларидан келиб чиқади. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, уларга чексиз меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва уларга ишониш шарт. Болаларга нисбатан ҳурмат туйғуси уларнинг кучига куч қўшади, ўз имкониятларига ишонч туйғусини шакллантиради,

тарбиянинг самарадорлигини оширади. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва муносабатни адолатли талабчанлик асосида қуришдир. Дўстона мулоқот ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги билимларни пухта ўзлаштирилишини таъминлайди ва мукамал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Педагогик жараёнда содир бўладиган муомала одоби ўқитувчиларнинг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражасида акс этади. Ўқитувчининг ўзига ва ўз касбига, ўқувчиларга бўлган муносабати унинг мулоқотида яққол намоён бўлиши мумкин.

Ўз фаолиятини эндиgina бошлаган ўқитувчилар айниқса, ҳар бир ўқувчининг келажагига умид билан қарашлари, унга индивидуал ёндашишга ҳаракат қилишлари, тарбиявий жазолаш усулларини тартибсиз қўлламасликлари, ўқувчилар жамоаси олдига истикболли тарбиявий мақсадларни қўйишга интилишлари лозим. Ёш ўқитувчилар маълум бир педагогик маҳорат сирларини эгаллашга интилмасалар, ўз фанидан билимлари саёз бўлса, шахслараро муносабатларга ижодий ёндашмасалар, коммуникатив қобилиятини такомиллаштириб бормасалар, ўқувчилар уни аста - секин тан олмай қўйишади. Натижада ўқитувчи ва ўқувчилар мулоқотида тузатиб бўлмас хатоликлар пайдо бўлиши мумкин.

3. Мулоқотни ижтимоий ҳаёт қонуниятлари билан боғлаб олиб бориш. Ёш авлоднинг ўсиб улғайиши ва шаклланишига ҳаёт, ижтимоий муҳит қонуниятлари ҳам мунтазам таъсир этади. Муҳит ижтимоий омилларнинг энг муҳим хусусияти бўлиб, у шахсга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Муҳит деганда, шахснинг тарбияланиб, шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам воқеалари, ҳодисалар мажмуи тушунилади. Муҳит тушунчаси ўзида географик-ҳудудий, ижтимоий ва микро-муҳит хусусиятларини ифодалайди. Айниқса, оила, мактаб, дўстлар давраси, тенгқурлар кабиларни ўз ичига оладиган микромуҳит шахсни тарбиялаш жараёнига муҳим таъсир этиши педагог ва психолог олимлар томонидан эътироф этилган. Оила муҳити ўқувчининг тарбияси ва баркамол инсон

сифатида шаклланишида ўзига хос муҳим тарбиявий таъсирга эга. Шунинг учун ўқитувчи мулоқотни ташкил этишда ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар жамоаси фаоллари, участка нозирлари билан доимий алоқада бўлиб, улар билан биргаликда фаолият олиб бориши керак. Мулоқотда ижтимоий ҳаёт қонуниятларини ҳисобга олиш, ўқувчиларни мақсадли тарбиялашда муваффақиятларга эришиш учун замин яратади.

4. Мулоқотни ташкил этишда меҳнат фаолиятининг ўрни. Таълим муассасаларида ўқувчи меҳнат фаолияти билан ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилади. Меҳнат - ёш авлодни юксак онгли, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атворини намоён қилувчи, касбий қобилиятларини уйғотувчи, тарбиявий жараённинг энг қадимий ва синалган воситасидир. Ўқув меҳнати ва ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчи шахсига ижобий таъсир этади, бу икки фаолият бирлиги болани жисмонан чиниқтиради ва фаоллаштиради, хулқ мукамаллигини таъминлайди, ташаббускор ва изланувчан қилиб шакллантиради. Шундай экан, ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотни уларнинг меҳнатсеварлигига ёки дангасалигига қараб белгиласа ҳам бўлади. Таълим муассасаларида болаларни илк ёшидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга муҳаббат ва меҳнат қилувчиларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзаро мулоқотнинг ўрни чексиз. Таълим муассасаларида ўқишнинг ўзи ҳам меҳнатдир. Мулоқотдан мақсад, таълим-тарбиявий фаолиятда муваффақиятларга эришиш учун у меҳнат тарбияси билан алоқадорликда олиб борилиши лозим.

5. Қўрқув ва ҳаяжонга асосланган мулоқот услуби. Бундай мулоқот услубига одатда ёш, тажрибасиз ўқитувчилар тушиб қолиши мумкин. Ушбу услуб асосида бошланган мулоқот, кўпинча, ўқувчиларни тез-тез огоҳлантириш, уларни қаттиққўллик билан тарбиялашга ҳаракат қилиш, ўқитувчи ёқтирмаган ўқувчилар хатти-ҳаракатини таъқиқлаш вазиятида олиб борилади. Ўқувчилар фаоллиги, ташаббускорлиги инкор қилинади. Натижада

Ўқитувчи билан ўқувчилар орасида кўз илғамас қарама-қаршиликлар пайдо бўлади.

Мулоқот жараёнидаги ушбу қарама-қаршиликлар ўқувчиларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар билан ўқитувчининг ўқувчиларга қўядиган талаблари ва уларни бажариш имкониятлари ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқишидан пайдо бўлади. Баъзан ўқувчининг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ келмаслигидан, ёки ўқитувчининг ўқувчилар ёш хусусиятларини, феъл-атвори, характери, кизиқишлари, жисмоний, руҳий ҳамда физиологик жиҳатдан соғломлигини билмасликлари оқибатида зиддиятлар келиб чиқади. Мулоқот жараёнидаги ушбу зиддиятларни бартараф этишда асосан ўқитувчининг ўзи қизгин фаолият олиб бориши, устоз ўқитувчилар тажрибаларидан фойдаланиши, лозим бўлганда, тортинмасдан улардан ёрдам сўраши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар таълим-тарбия жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларни, ахлоқий нормаларни ўзлаштирадилар. Ўқувчи энг яхши инсоний фазилатларни, ахлоқ-одобни, мулоқот маданиятини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олишини унутмаслик керак. Ўқувчилар жамоасида ўқитувчилар билан ўзаро муносабатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланади. Улар одатда икки хил бўлиб бири расмий, иккинчиси норасмий муомала дейилади.

Расмий муомала муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, директив ҳужжатларига асосланади.

Норасмий муомала педагогик этика ва эстетиканинг қонуниятларига ва ўқитувчи одобига асосланади ва жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Мулоқот одоби психологик қонуниятлар, одоб нормалари ва қоидалари, талаблари ҳамда ўқитувчилар жамоаси асосида бошқарилади.

Ижтимоий муносабатлар кўламининг кенгайиши ўқитувчидан ўсиб келаётган ёш авлодни ўта мураккаб хусусиятга эга муносабатлар жараёнида хар томонлама чуқур билимга эга, баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Психологик, интеллектуал ва физиологик жиҳатдан соғлом муҳитда мукамал тарбияланган инсон ҳаётий қарама-қаршиликлар, хусусан турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш, носоғлом турмуш кечириш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишдан ўзини сақлаб қолади. Шунингдек, шахснинг ақлий салоҳиятга эгаллиги жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи асосий омилдир.

Ўзбекистон Республикасида демократик ва ҳуқуқий жамият барпо этилаётган мавжуд шароитда ёш авлоднинг мустақил ва эркин фикрлай олиши рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатини билдиришга имкон беради. Ижтимоий борлиқда кечаётган ўзгаришларга нисбатан шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши шахс фаоллигини кўрсатувчи муҳим жиҳатлардан биридир. Қолаверса, мустақил фикр эгаси бўлган шахс ўз имкониятлари, қобилиятини эркин намоён эта олади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳам асосий мақсади эркин, мустақил фикрга эга бўлган баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаб вояга этказишдан иборат.

Ушбу юксак жавобгарликни талаб қилувчи вазифалар ўқитувчилар зиммасига янада улкан масъулиятларни юклайди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни эътироф этади: “Умумлаштирган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойилларидан бири таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш, ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш лозим”¹.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент, Ўзбекистон, 2000. - 23-бет.

Педагогик маҳорат бўлажак ўқитувчиларда ёш авлод таълим-тарбияси учун масъулият ҳиссини шакллантиради. Ўқитувчи бундай мураккаб вазифаларни амалга оширувчи, давлат ва жамиятнинг ишончли вакилидир. Ўқувчилар жамоасини бирлаштирувчи синфда таълим- тарбиявий жараёни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг билими, педагогик маҳорати ва психологик хусусиятлари очик намоён бўлади. Аввало, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирларига нисбатан ишонч туйғулари бўлиши ҳамда ўқитувчи ўз касбий билимларидан ташқари бошқа ўқув фанларини ҳам пухта эгаллаган бўлиши лозим.

Зеро, синф жамоасини бошқариш - педагогик жамоа, ота-оналар олдида ўқитувчининг обрў-эътибори қай даражада эканлигини кўрсатувчи мезон. Ўқитувчининг ахлоқий савиясини, билимини мулоқот асосида синф жамоасини бошқаришда эришаётган ютуқлари белгилайди. Одатда, ўқитувчиларнинг характери, индивидуал хусусиятига қараб: ташаббускор, ижодкор, ташаббуссиз, ўз фикрига эга бўлмаган, барча ишларга бефарқ қаровчилар тоифасига ажратишади. Педагог ва психолог олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари, кузатишлари ва илмий тажрибаларига асосланган ҳолда ўқитувчиларнинг раҳбар сифатида синф жамоасини бошқаришида қўллайдиган мулоқот услублари қуйидагича тавсифланади:

1. Авторитар услубда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар.
2. Демократик услубда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар.
3. Либерал услубда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар.

Авторитар услубда фаолият олиб борадиган ўқитувчи иш фаолияти ва характерида қуйидаги хусусиятлар мужассамлашган бўлади:

- ўзи яқка ҳолда гуруҳ фаолиятининг йўналишларини белгилайди;
- ўзи ўқувчиларга кўрсатмалар ва буйруқлар беради;

- таълим-тарбиявий жараёнга жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- ўқувчиларнинг унга сўзсиз бўйсунганини даъво қилади;
- қаттиқ интизом асосида иш олиб боради;
- топшириқларнинг тўлиқ бажарилишини талаб қилади;
- гап қайтарган, фикр билдирган ўқувчини ёқтирмайди;
- айтган ташаккури ҳам буйруқдек чиқади, сўзлари қаттиқ ва қўпол;
- ўқувчиларга бирор муаммони тўлиқ тушунтирмасдан талаб қилади.

Авторитар услубларда педагогик фаолият олиб борувчи ўқитувчи “Менинг айтганим айтган, деганим деган” шаклидаги принцип асосида педагогик фаолият олиб боради. У синф жамоаси билан мулоқотга киришишда кўйидаги услубларни қўллайди: буйруқ, кўрсатма бериш, қаттиққўллик билан ишлаш, тарбиявий жазо турларини тез-тез қўллаш. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнига қўпол, дағал, дўқ-пўписа, мажбур этиш, кўрқитиш, чўчитиш орқали киришади. Ушбу услуб ўқитувчи асаб тизимини доимий таранглашиб юришига сабаб бўлиб, унинг соғлигига путур этказиши мумкин. Натижада ўқитувчи тез чарчайди. Авторитар усулнинг ижобий томонлари ҳам бор: яъни, улар фақат фавқулодда вазиятлар жараёнида ишлатилиши (ёнғинда, сув тошқинида, аҳолини эвакуация қилишда) мумкин. Ўқитувчи мулоқотининг ушбу услубда бошқарилиши синф жамоасини тарқоқликка, ҳамжиҳатликнинг бузилишига олиб келади.

Демократик услуб асосида фаолият олиб борадиган ўқитувчининг бош шiori ўқувчиларда мустақил ва эркин фикр юритиш кўникмаларини ва онгли интизомни ҳосил қилишдан иборат. Ўқитувчининг мулоқоти барча демократик талаблар асосида қурилади. Зеро, «Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади¹».

1 Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент, Ўзбекистон, 2000. - 97-бет.

Ушбу услубни мукамал эгаллаган ўқитувчи ўз педагогик фаолияти ва характерида қуйидаги хусусиятларни мужассамлаштиради:

- педагогик фаолиятда синф жамоасининг фикр мулоҳазаларига таяниб таълим-тарбиявий ишларни ташкил этади; .
- синф жамоасининг ташаббусини маъқуллайди, ривожлантиради, ўқувчиларнинг эркин фикр билдиришларига имконият яратади;
- мулоқот жараёнида ўқувчилар фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, педагогик фаолиятида қўллайди;
- мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: илтимос, маслаҳат бериш, самимий муомала.

Демократик услубда мулоқотни ташкил этувчи ўқитувчи ҳозирги замон талабларига, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлардан кутилаётган мақсадларга жавоб бера олади. Ўқитувчининг вазифаси баркамол инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб билган ҳолда, юксак онгли, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан тенгдошларига намуна бўладиган билимли, маърифатли, ақл-заковатли, юксак маънавиятли ўқувчиларни тарбиялаш учун қизғин педагогик фаолият олиб бориши лозим. Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда ўзаро ёрдам туйғусини ўстиришга хизмат қилиши керак. Самарали демократик тарбиявий жараён, синф жамоаси аъзоларининг қобилият ва истеъдодларини юзага чиқаради, ўқувчининг жамоада ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар пайдо қилади. Ўқувчилар билан мулоқотнинг эркин демократик асосда ташкил этилиши синфнинг аҳил жамоа бўлиб бирлашиб, тарбиявий ишларни амалга оширишда муваффақиятларга эришишига замин яратади. Яхши уюшган жамоада ҳар бир ўқувчининг фикри улкан тарбиявий кучга эга.

Либерал услуб асосида фаолият олиб боровчи ўқитувчи хусусиятларига шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий карашлар мужассамлашган. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва характерида қуйидаги хусусиятлар мавжуд:

- ташаббуссиз, эски қолипда педагогик фаолият олиб боради;
- синф жамоасининг тарбиявий фаолиятига асло аралашмайди;
- таълим-тарбияга оид муаммоларга юзаки қараб чиқади;
- ўз мустақил фикрига эга эмас, жавобгарликдан ўзини олиб қочади;
- ўқувчиларга берилган топшириқларнинг натижалари билан қизиқмайди;
- ўқувчилар келажагига, тақдирига эътиборсиз, беғам қарайди;
- ўз педагогик фаолиятига совуққонлик билан муносабатда бўлади.

Бирок, йиллар ўтиб, замонлар ўзгарган сари, ХХІ асрда жамиятнинг ижтимоий талабларидан келиб чиқиб, ўқитувчининг хулқ-атвори, педагогик ва психологик билимлар савияси, ўз касбий фаолиятига нисбатан муносабати, педагогик ва ахборот информацион технологияларини пухта ўзлаштириш савияси ҳам ўзгармоқда. Шу сабабли, ўқитувчилар ўз билим ва тафаккурлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, синф жамоасини бошқаришнинг турли шакл ва методларини амалда қўлламоқдалар. Синф жамоасининг ҳар қандай бошқарув услуби ўқитувчи мулоқоти асосида ташкил этилади. Мулоқотдан кутилаётган натижа, тарбия асосида ўқувчининг онгини ва тафаккурини бойитиш ва ўзгартиришдир. Биз юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларга асосланиб, мулоқот асосида синф жамоасини бошқаришда ўқитувчи учун лозим бўлган қуйидаги босқичларни тавсия этамиз:

Синф жамоаси билан мулоқотни ташкил этишнинг биринчи босқичи. Мазкур босқичда талаб фақат ўқитувчилар томонидан қўйилади. Бу

синф жамоаси шаклланишининг бошланғич нуктасидир. Ушбу даврд ўқувчилар жамоаси ҳали тарбияланувчи жамоа бўлмай, балки «бирликни ташкил этувчи» гуруҳ ҳисобланади. Ушбу босқичда ўқувчилар ўқитувчи томонидан талабларнинг қўйилишига эътиборсиз қараши табиий бир ҳолат. Ўқитувчи ташкилотчи сифатида жамоа аъзоларининг узлуксиз ижодий фаолиятларини ташкил қилиши ва уларни ягона мақсад атрофида бирлаштиришга эришиши лозим, шундагина жамоа қарор топади. Ўқитувчи мулоқоти асосида ўқувчиларнинг жамоа фаолиятида иштирок этиши фаоллашади, фаолият натижасини биргаликда муҳокама қилиш, қилинажак ишларни режалаштириш жамоа аъзоларида масъулият, жавобгарлик, фаолият бирлиги жамоа фаолиятига нисбатан қизиқишни пайдо бўлишига олиб келади. Ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини ташкил этиш борасидаги тажрибаларга эга эмасликлари боис ўқитувчининг асосий мақсади мулоқот асосида жамоа аъзоларини оддий тарзда уюштиришдан иборат.

Ушбу босқичда ўқитувчининг талабчанлиги, жамоанинг барча аъзоларига бирдай талабни қўя олиши, у томонидан қўйилаётган талабнинг қатъийлиги, изчиллиги ҳамда мурасасизлиги муҳим омил ҳисобланади. Бу вазиятда ўқитувчининг мулоқотда «хукмдорлик» қилиши узоқ давом этиши мумкин. Жамоа ҳаётининг биринчи босқичида жамоа фаолларининг пайдо бўлиши ушбу давр учун характерли ҳодисадир.

Синф жамоаси билан мулоқотни ташкил этишнинг иккинчи босқичи. Ушбу босқичда жамоа фаолларининг ўқитувчи мулоқотидан келиб чиқувчи талабларни қўллаб-қувватлаши ҳамда ўз навбатида бу талабларни жамоа аъзолари зиммасига қўйиши билан тавсифланади. Ўқитувчи жамоада пайдо бўладиган муаммоларни ёлғиз ўзи ҳал қилмайди. Жамоа фаоллари билан қизғин мулоқот натижасида тарбиявий ишларни олиб боради.

Ўқувчилар амалий фаолиятининг доимий равишда мураккаблашиб бориши мазкур даврнинг муҳим хусусияти саналади. Иккинчи босқичда

Ўқитувчи мулоқотни жамоанинг муҳим ишларини ўқувчилар томонидан мустақил режалаштирилишига, тадбирларни ўтказишга, фаолият натижаларини муҳокама қилишга, жамоа фаолиятининг ижодий хусусият касб этишини кўрсатувчи омилларига таяниб ташкил қилади.

Жамоада мустақил фаолиятнинг юзага келишида жамоа фаолларининг роли беқиёсдир. Аммо жамоа фаоллари, жамоа аъзолари орасида ҳурмат қозона олиши, уларга намуна бўлиши, ўз бурчларини аниқ ва пухта бажариши ҳамда ўз мавқеларидан ноўрин фойдаланмасликлари керак.

Синф жамоаси билан мулоқотни ташкил этишнинг учинчи босқичи. Синф жамоаси фаолиятида бу босқич сермахсул ҳисобланади. Эндиликда жамоа ишига фақат фаолларгина эмас, балки унинг бутун аъзолари қизиқади. Жамоа ҳаётида ижтимоий ва эркин фикрлаш вужудга келади. Ўқитувчи мазкур йўналишда мулоқотни мақсадга мувофиқ ва изчил педагогик фаолият олиб борган шароитдагина ўқувчиларда эркин фикр юритиш ва онгли интизомни шакллантиришга эришиши мумкин. Сху мақсадда ўқитувчи мулоқот асосида у ёки бу тадбир режасини, жамоанинг биргаликдаги фаолиятини ва унинг аъзолари хатти-ҳаракатини жамоа бўлиб муҳокама қилади, турли мавзуларда суҳбатлар ва маърузалар уюштирилади. Ўқувчилар ўртасида самарали ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий-ғоявий, ахлоқий, эстетик, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ҳоказо билимларнинг тарғиботи ташкил этилади.

Синф жамоаси билан мулоқотни ташкил этишнинг тўртинчи босқичи. Бу босқичда ўқитувчи мулоқоти барча синф аъзоларининг жамоа олдида турган вазифалари асосида ўз-ўзларига қатъий талаблар қўя олишлари билан тавсифланади. Шунини айтиш жоизки, ҳар бир босқичда ҳам жамоа аъзолари ўзларига нисбатан муайян талаблар қўйишлари лозим. Аммо қўйилган ҳар бир талаб ўзига хос йўналиши билан ажралиб туриши зарур.

Тўртинчи босқич жамоа аъзоларининг ўзига нисбатан юксак ахлоқий талаблар қўя олишлари билан аҳамиятлидир. Жамоанинг ҳаёти ва фаолияти мазмуни жамоа аъзоларининг ҳар бири учун шахсий эҳтиёжга айланади. Жамоадаги тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш асосида олиб борилиши керак. Бироқ бу ҳолат жамоанинг муайян шахсни янада ривожлантиришдаги роли ва ўрнини пасайтирмайди. Тўртинчи босқичда ўқитувчи мулоқоти асосида амалга ошириладиган вазифалар анча мураккаб ва масъулиятлидир. Мазкур босқичда жамоа олдига истикболли, юксак ва мураккаб талабларни қўйиш учун мутлақо қулай шароит яратилади.

А.С.Макаренко синф жамоа аъзолари ўртасида юзага келувчи муносабатларнинг ички хусусиятларига улкан аҳамият берган ва жамоада шаклландиган қуйидаги энг муҳим белгиларни ажратиб кўрсатган:

- 1) Ўз жамоаси билан ғурурланиш асосида ўз кадр-қимматини англаш.
- 2) Жамоанинг ҳар бир аъзосида қарор топган дўстона бирлик.
- 3) Тарбияли, ишчан ҳаракатга йўлловчи фаоллик.
- 4) Ҳиссиётни бошқара олиш ҳамда мулоқот одобига амал қилиш.

Тажрибали педагог олим томонидан таъкидлаб ўтилган ушбу фикрлар ўқитувчининг синф жамоаси билан ташкил этиладиган мулоқотида ва ўқувчилар олдида қўядиган талабларни танлашда муҳим аҳамият касб этади. Пухта ўйлаб қўйилган талаблар тизимининг мунтазам амалга оширилиши мактабда муайян тартиб ўрнатилишини таъминлайди.

Ўқитувчи мулоқотини таъминлайдиган талаблар қуйидаги шароитларда ижобий натижалар беради:

1. Қўйилаётган талаблар ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш туйғуси билан уйғунлашган бўлиши ҳамда уларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинган бўлиши керак.

2. Талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши лозим.
3. Жамоанинг таълим-тарбиявий фаолиятига нисбатан қўйилаётган талаблари жамият талаблари билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши шарт.
4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳамда муомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар, уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.
5. Ўқитувчи қўйилаётган талаблар ҳажмини ва тизимини билиб ўрганган ҳолда, талаб қўйиш методикасини ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим.
6. Хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган талаблар билан таништириш мазкур талаблар устида машқ қилдириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Хулқ-атворни тарбиялаш онгни тарбиялашга қараганда анча мураккаб иш. Ўқувчилар талаблар моҳиятини яхши англашлари мумкин, бироқ аксарият ҳолатларда уларга риоя қилмайдилар. Шу боис мунтазам равишда хулқ-атворни машқ қилдириш лозим.

Талабларнинг қўйилиши жараёнида уларга ўқувчиларнинг амал қилиши устидан назорат ўрнатилади. Назорат қилиб бориш турли шакллар ёрдамида амалга оширилади, чунончи, хулқ-атвор журнаlines юритиш, синф хонасидаги навбатчилик, стенда баҳоларни қайд этиб бориш ва бошқалар. Қўйилаётган талабларнинг бажарилиши юзасидан назорат мунтазам равишда, изчил олиб борилиши ва ҳаққоний бўлиши зарур. Олиб борилган назорат натижаларидан ўқувчиларни огоҳ этиб бориш мақсадга мувофиқдир

Умумий хулоса ва тавсиялар

Ўзбек мактабида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, садоқатга асосланган энг инсонпарвар, адолатли ва олийжаноб, ахлоқининг ижобий томони тобора тўлароқ номоён бўлади. Бизнинг ахлоқимиз умуминсоний, маънавий бойликларни ҳам, кишиларнинг ахлоқий меъёрлари ва улар ўртасида эксплуатацияга қарши, озодлик ва ижтимоий тенглик, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оммаси яратган муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш дарс жараёни, синф ва мактабдан ташқари турли туман ишларда олиб борилади. Ўқувчиларга билим, (тасаввурлар, хиссий, образли билимлар, ахборот, оғзаки маълумот, тушунча, умумлашган билим) малака ва одатларини берилади.

Ўқувчиларга одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча берилади. Улар ахлоқий тушунчаларни ўқитувчи мулоқоти орқали бадий ва илмий адабиётдан, ҳаётдан, кинофилм ва спектакллардан олади. Ўқувчиларни ўз хулқини ахлоқий жиҳатдан баҳолашни биринчи синфдан бошлаб ўргатиб бориш керак, уларни меҳнатни севиш, мулкни эҳтиёт қилиш, ҳурмат, ростгўйлик, софдиллик, виждон, камтарлик маъноларини тушиниб олсин. Бунинг учун “мардлик ва қўрқоқлик, мардлик ва олифталик, жамоа нима, бахтни қандай тушинасиз, инсонни гўзаллиги нимада” юқори синф ўқувчилари билан “маънавий етук киши, инсоннинг қадр-қиммати, ахлоқ ва шахс еркинлиги” мавзуларида суҳбат ўтказиш маъқул. Ўқувчиларнинг онглилик даражасини, ўстириш ўзини-ўзи баҳоласин, ўқишда меҳнатда, ҳаётда мувофақиятга эришиш ўзига боғлиқлигини тушинтирилсин. Хафтанинг охирида “Ўтган ҳафтадан қаноатланаманми?”, “Ўзимни жазолашим керакми ёки мукофатлашим?” -деган саволга жавоб ёзишни тавсия қилиш керак. У тарбиявий соатда ёки индивидуал суҳбатда таҳлил этилади. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқи фазилатларини тарбиялаш уларда эркин фикрлилик хислатларини таркиб топтиради.

Биз ўқувчиларнинг маънавий ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ўқитувчи мулоқотининг ўрни юзасидан олиб борилган кузатиш, назарий ва амалий таҳлиллар натижаларидан қуйидаги **хулосалар**га келдик.

Биринчидан, мактабдаги ўқиш жараёни юксак даражада уюштирилиши керак, буюк немис педогоги А.В. Дистервег кўрсатганидек, яхши ўқитиш билангина ўқитувчи ўқувчини яхши тарбиялайди.

Иккинчидан, маънавий-ахлоқий тарбия жараёнининг мувоффақияти ўқитувчи ва ўқувчи мулоқоти ҳамда синф жамоасининг савиясига боғлиқ. Жамоа ахлоқли бўлса, аҳил бўлса, болалар интизомли бўлади.

Учинчидан, тарбиявий ишларни режали бўлиши ва ҳамжихатлик билан амалга оширилиши маънавий-ахлоқий тарбиянинг мувоффақиятини таъминлайди. А.С. Маккаренко 10 та юқори малакали, ўз холича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст бир ёқадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал, - деган эди.

Тўртинчидан, мактабда ижобий, эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади.

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий тартиб, ҳаёт режимида риоя қилишга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ахлоқий тарбияда онгни, ахлоқий тушунчаларни шакллантиришда суҳбат, мунозара, лекция каби методлардан, ахлоқий одатни шакллантиришда эса машқ, болаларни турли фаолиятини юритиш методларидан фойдаланилади.

Ахлоқий тарбияда унинг натижасини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга ега. Тадбирлар сони билан эмас, балки сифат билан баҳоланади. Тарбияланганликни ўлчови ижтимоий активлик, талабларига ижобий муносабат, ўз ҳуқуқини баҳолай олиш, ахлоқий одатлар ва фазилатлар дейилади. Булар ўлчов бўла олмайди. Аслида ижтимоий активлиги, муомала

ва алоқалари, маънавий йўналиши, ҳақида, барқарор ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги – ўлчов бўла олади. Мактаб ҳаётида ижтимоий-сиёсий атестацияси ахлоқий тарбияланганликнинг аниқлаш ва баҳолашнинг бир шаклидир. Шахсни тўла ўрганиш – тарбияланганликни аниқлаб беради. Олиб борилган илмий, назарий ва методик ишлар натижаларига асосланиб, ўқувчилар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда ўқитувчи мулоқотининг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **тавсияларни** тақдим этиш мумкин:

- тарбиянинг ўқувчилар руҳияти ва ёш хусусиятларига мослигини ҳисобга олиш;
- ўқувчиларнинг ақлий- маънавий муносабатлари таъсирини ўрганиш;
- ўқитувчи ва тарбиячининг саводхонлик даражаси, санъат ва маҳорати;
- ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришда дарсларни ижодий, ноанъанавий, суҳбат, ўйин, баҳс-мунозара, учрашувлар шаклида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 40-б, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”//Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош тахририяти, 1998 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992 йил.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент, Ўзбекистон, 2000. - 23-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 8 том, 2000 йил.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
9. Каримов И.А. Ёшларимиз-халқимизнинг ишонч ва таянчи.-Т.: “Маънавият”, 2006 йил.
10. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996 й.
11. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1993 йил.
12. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: “Ёш гвардия”, 1973 йил.
13. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. - Т.: “Ўқитувчи” Миллий кутубхонаси, 2007. - 185 б.
14. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1996. - 192 б.
15. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар 15-том.- Т.: “Фан” 2005.

16. Олимов Қ.Т., Саидахмедова М.С., Жалолова Д.Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А.А.. Педагогик технологиялар. Т.: “Фан ва технология”, 2011 йил.
17. Очилов М. Муаллим қалб меъмори: Сайланма. —Т.: Ўқитувчи, 2000.
- 18.Омонов Н.Т. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Г.: "Иқтисод-молия". 2009. - 240 б.
19. Педагогика. (Под ред. П.И. Пидкасистого).- М.: Педагогическое общество России, 2003,- 608 с.
20. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар) - Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. -380 б.
21. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари.- Т.: 2001. Сухомлинский В.Д. Болаларга жоним фидо. - Т.: “Ўқитувчи” 1984.-254 б.
22. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари.- Т.: 2001.
23. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
24. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат.-Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
- 25.Тарбиявий иш методикаси. //Педагогика институтлари учун ўқув қўлланма (Л. И. Рувинский таҳрири остида). - Т.: “Ўқитувчи”, 1991.-376 б.
26. Ўзбек педагогикаси тарихи. //А.Зуннунов таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1997. - 272 б.
27. Қуръони Карим. Ўзбекча изохли тарожимаси.А.Мансур. -Т.: “Шарқ”, 1992
- 28.Хусанов Б. Ғуломов В. Муомала маданияти. Дарслик. - Т.: “Иқтисод - молия” 2009.- 156 б.
29. w.w.w. pedagog. uz.
30. w.w.w. ziyonet.